

ФРАНЦУЗ ВА ТИЛИ УНЛИЛАРНИНГ СИНТАГМАТИК ҲОЛАТДАГИ ДАРАЖАЛИ МУНОСАБАТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8012503>

Мамасолиева Гулчехра Абдухалиловна

Андижон давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

Аннотация.

Ушбу мақолада француз ва ўзбек тили унлилар системасининг синтагматик ҳолатдаги даражали муносабати ўрганиб чиқилади. Шу билан бирга етук тилшунос олимларнинг қараишлари, улар олиб борган тадқиқот хулосалари ўрганиб чиқилади.

Калит сўзлар.

унлилар системаси, синтагматик ҳолатдаги даражали муносабат, фонологик таҳлили, оппозициялар, фонология, синтагматик муносабат, зидланиш

THE GRADED RELATION OF VOWELS IN SYNTAGMATIC POSITION IN FRENCH AND UZBEK

Mamasolieva Gulchekhra Abdukhaliilovna

Teacher of Andijan State Institute of Foreign Languages

Abstract.

In this article, the level relationship of the French and Uzbek vowel systems in the syntagmatic state is studied. At the same time, the views of mature linguists and the research conclusions they conducted are studied.

Key words:

vowel system, level relationship in syntagmatic position, phonological analysis, oppositions, phonology, syntagmatic relationship, conflict

Тилнинг ҳар қандай ҳолатида ҳамма нарса муносабатларга таянади. Биз эса унлиларнинг синтагматик ҳолатидаги даражали муносабатини ўрганишга киришамиз. “Унли ва ундошларнинг фонологик таҳлили уларни парадигматик (оппозициялар) ва синтагматик (турли ўринларда ёки ҳолатларда учраши, яъни дистрибуцияси) жиҳатдан тадқиқ этишини талаб этади”. Синтагматик муносабатлар одатда Фердинанд де Соссюр номи билан боғланади. Унинг фикрича, тил мавжудлигининг ҳар бир лаҳзасида

тил тизими ва ҳолатини белгилаб берувчи муносабатларнинг икки тури - синтагматик ва ассоциатив (кейинчалик парадигматик деб аталади) - биринчиси бевосита кузатилиши мумкин бўлган ва чизиқли табиатига асосланади. Фердинанд де Соссюр парадигматика ва синтагматикага кўйидагича таъриф бериб ўтади “Тил тизими аъзолари ўртасидаги муносабатлар ва фарқлар икки хил соҳада ривожланади, уларнинг ҳар бири ўзига хос маънолар қаторини ташкил қилади; бу икки қаторни қарама-қарши кўйиш уларнинг ҳар бирининг табиатини яхшироқ тушунишга имкон беради. Улар тил ҳаёти учун бирдек зарур бўлган ақлий фаолиятимизнинг иккита шаклига мос келади”

Де Соссюрнинг фикрича, улар лингвистик кетма-кетликларни ажратиш ва уларнинг таркибини аниқлаш усулларида, шунингдек, бир бирликнинг бошқасига таъсирини ёки уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашнинг махсус усулларида иборат бўлиб, бу айниқса фонология, морфологияда ҳамда морфонологияда аниқ намоён бўлади.

Синтагма (юнонча - боғланган нарса) - сўз бирикмаси билан бир хил, шунингдек, интонацион-семантик бирлик ва синтактик бирлик намунасидир.

Синтагматика бир даражали тил бирликларининг мос келиши ва уларни нутқда амалга ошириш учун тил қоидаларини ўз ичига олади. Элементар синтагматик муносабат биномидир: масалан, ундош + бўғиндаги унли, ҳосила ўзак + ҳосила аффикси, предмет + предикат ва бошқалар.

Синтагматик муносабатлар тил бирликларини ўзларининг бир вақтда кетма-кетлигида бирлаштиради. Сўзлар морфема ва бўғинлар, сўз бирикмалари ва аналитик номлар, гаплар (гап аъзолари тўплами сифатида) ва мураккаб жумлалар йиғиндиси сифатида синтагматик муносабатлар асосида қурилади. Тилдан фойдаланишда синтагматик муносабатлар тилнинг икки ёки ундан ортиқ бирликларидан бир вақтда фойдаланишга имкон беради.

Синтагматикага жуда кўп таърифлар берилган. Синтагматика – бу

1) тил тизимини ўрганишнинг икки жиҳатидан бири (парадигматикадан фарқли ўлароқ), тилнинг кетма-кет жойлашган бирликлари ўртасида юзага келадиган лисоний белгилар ўртасидаги махсус (синтагматик) муносабатларни таҳлил қилиш, улар ҳар бири билан бевосита боғланганда, бошқа нутқнинг ҳақиқий оқимида ёки матнда;

2) тилнинг кузатилган бирликлари ўртасидаги муносабатларнинг чизиқли режасини билдирувчи “нутқ ёки матннинг синтагматик режаси”

иборасининг синоними, чунки синтагматика бу бирликларни нутқ ёки матнда бир вақтда амалга оширилганда кўриб чиқади;

3) синтагматик таълимот, муносабатлар турлари тил бирликлари ўртасидаги муносабатлар сифатида "горизонтал" ("вертикал" муносабатларни ўрганадиган парадигматикадан фарқли ўлароқ), камроқ - синтагма ҳақидаги таълимотдир.

Кубрякованинг таърифича, синтагматика деганда "Тил белгиларининг бир-бири билан бевосита бирикиши натижасида унинг кетма-кет жойлашган бирликлари ўртасида юзага келадиган махсус чизиқли муносабатлар таҳлили" тушунилади.

Синтагматика, синтагматик муносабат нутқ билан, нутқ жараёни билан боғланади, нутқ ҳодисаси, нутқ факти ҳисобланади. Чунки нутқ, нутқ фаолияти коммуникатив фаолиятдир, фикр алмашиш жараёнидир, тил системасининг, парадигматик муносабат бирликларининг жамиятдаги фаоллигидир, ҳаракатидир. Нутқ ҳодисаси, нутқ факти бўлган синтагматика, синтагматик муносабат тушунчалари ўзига хос хусусиятлари, муайян «шахсий» жиҳатлари билан ажралиб туради. Аниқроғи, синтагматика тил системаси бирликларининг нутқ фаолиятида муайян тартибда, кетма-кетликда жойлашиши, ўзаро мантикий муносабатга киришишидир дея таърифлайди Р.Расулов.

Тилшунос олима Д. Набиева фикри кўра "Парадигматик жиҳатдан тил системасида муайян оппозицияда бўлган унлилар нутқ жараёнида ёндош товушлар билан синтагматик муносабатда бўлиб, турли нусхаларда бир қанча вариантларда талаффуз қилинади. Борликдаги алоҳида нарсалар бетакрорлик, чексизлик чекланганлик билан ҳам зидланади"

М. Бошмоновнинг фикрига кўра "Тилнинг бир сатҳига мансуб бўлган қиммат жиҳатдан бир хил бирликлар ўзаро синтактик ва парадигматик муносабатга киришади. Шу билан бирга, тил бирликлари оддийдан мураккабга қараб бўлак ва бутун муносабатига киришади. Кичик сатҳ бирликлари катта сатҳ бирликлари учун материал бўлиб хизмат қилади. Қиммат жиҳатдан бир хил бирликларнинг ўзаро синтактик муносабати ўзидан юқорироқ ва янги сифатга эга бўлган бутунликни ҳосил қилади. Синтактик бирликларнинг бутун ва бўлак муносабати даражали муносабат ҳисобланади" дея таърифланади.

Бир вақтнинг ўзида чизиқли қаторда (матн, нутқ) ёнма-ён мавжуд бўлган тил элементлари (ҳар қандай мураккаблик бирликлари) ўртасидаги синтагматик муносабатлар, боғланишлар ва боғлиқликлар, масалан, кўшни

товушлар (шунинг учун сингармонизм, ассимиляция ходисалари), морфемалар (шунинг учун ходисалар кўшни морфемаларнинг суперпозицияси ёки қирқиб олиниши) ва ҳоказо. Кўпинча нутқ жараёнида кетма-кет боғланган лингвистик элементлар учун функциялар тушунчасига эквивалент сифатида ишлатилади. Синтагматик муносабатлар тилда синтагматикани ўрганиш соҳасини ташкил етувчи парадигматик муносабатлар ёки ассоциатив боғланишлардан фарқли равишда ажралиб туради. Тил ходисаларини фақат уларнинг синтагматик муносабатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиш тавсифловчи тилшуносликка хос бўлган ва дистрибутив таҳлилнинг асоси бўлган - лингвистик элементларнинг мослиги, уларнинг валентлиги, нутқдаги ассоциация қонуниятлари муаммосининг муҳим жиҳати эканлиги Малышева томонидан илгари сурилган.

Ўзбек тилшунос олими А. Абдуазизов синтагматика ҳақида тўхталар экан, кўйидаги таърифни келтиради: “Фонемаларни парадигматик жиҳатдан қараш орқали уларнинг фарқловчи ва фарқланмовчи белгилари аниқланади. Синтагматик жиҳатдан фонемаларнинг қайси ўринларда, ҳолатларда сўз, морфема ва бўғинларда таксимоти (умуман, дистрибуцияси), уларнинг нутқ жараёнидаги турли артикуляцион-акустик хусусиятларининг ўзгариши ўрганилади. Тилнинг фонологик системаси фонемалар ўртасидаги парадигматик ва синтагматик алоқаларнинг пойдеворига қурилгандир... Парадигматика ва синтагматиканинг муносабати фонология ва фонетиканинг боғланишида етакчидир. Чунки парадигматикада фонемалар ва уларнинг фарқланиши ҳамда фарқланмовчи белгилари аниқланса, синтагматикада ўша фонемаларни нутқда намоён этувчи товушлар, яъни фонемаларнинг алло- фонлари ёки вариантлари фарқланади”

Шундай қилиб, синтагматик муносабатлар (синтагма) реал нутқда изчил қўлланилган занжирдаги тил бирликлари орасидаги чизикли муносабатлардир. Бу турдаги муносабат тилнинг барча сатҳларида мавжуд: фонемалар морфема, морфемалар сўз, сўз гаплар ҳосил қилади. Буларнинг барчаси синтагматик муносабатлар ёки алоқалардир деган хулосага келишимиз мумкин. Унлиларнинг синтагматик ҳолатдаги даражали муносабатини кўриб чиқишда, албатта аллофон ва вариантларга тўхталиб ўтамыз.

Аллофон юнон тилидан олинган бўлиб, allos - бошқа, phone - товуш деган маънони англатади. Тилшуносликда аллофон -фонеманинг конкрет реализациясидир. Аллофонлар - берилган фонема сўздаги ўрнига, бошқа товушларга яқинлигига, урғу ёки урғусиз унлига ва бошқаларга қараб пайдо

бўладиган товушлар гуруҳидир. Аллофонлар орасидаги иккита фонемадан фарқли равишда, бир фонеманинг иккита аллофонемасини тилдаги турли семантик бирликларни фарқлаш орқали қарама-қарши қўйиш мумкин эмас: сўзловчилар, ҳатто улар орасидаги фонетик фарқни сезсалар ҳам, уларга фонологияда бир хил функционал ролни юклайдилар.

Вариант сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, variants, variantis – ўзгарувчи деган маънони англатади. “Тил бирлигининг турли- туман ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган шаклидир” деган фикрни А. Хожиев илгари суради.

Тилшунос олим А.Нурмоновнинг фикрича, ҳар қандай фонема фонологик опозиция системаси маълум бир таркибга ёки структурага эга бўлганлиги учун ҳам маълум фонологик мазмунга эга бўлади. Фонема абстракт бирлик сифатида қаралади. Конкрет товушлар фонеманинг моддий символлари ҳисобланади. Фонема моддий жиҳатдан бир қанча товушлар орқали реаллашиши мумкин. Бундай реаллашган ҳар хил товушлар шу фонеманинг вариантлари саналади.

Шунингдек, Д.Набиева тил структураси даражали бўлгани каби вариантлик ҳам даражали характерга эга бўлади эканлигини таъкидлайди. Яъни фонеманинг вариантлашиши морфеманинг моддий томондан вариантлашишига олиб келади: морфема вариантлашиши эса шу морфема иштирок этган сўзнинг вариантлашишига олиб келади. Фонема нутқ оқимида турли талаффуз шароитида хилма-хил аллофонлар сифатида талаффуз қилинади. Тилшунослар томонидан аллофонлар, яъни фонема вариантлари турлича тасниф этилади. Хусусан, Э.Д.Головина фонеманинг нутқ оқимидаги позициясиг кўра вариантларни тасниф қилади. Бунга кўра, позициялар кучли ва кучсиз позицияларга ажратилади.

Фонологиянинг отаси ҳисобланган Н.С.Трубецкой фонема вариантларини қуйидаги белгиларга кўра таснифлайди:

1. Тилда зарурийлиги нуктаи назаридан доимий ва факультатив(маълум бир фонеманинг бир шахс томонидан ўзгача талаффуз қилиниши
2. Позицион хосланиш нуктаи назаридан:комбинатор ва комбинатор бўлмаган
3. Тил меъёрига нисбатан:умумий ва хусусий вариантлар.маълум бир тилнинг
4. Функционал (қўлланиши доираси) нуктаи назаридан: услубий хосланган ва услубий хосланмаган вариантлар

Машхур тилшунос олим Л.В.Щчерба вариант атамасининг ўрнига оттенка атамасини кўллайди. “Шундай қилиб, жонли нутқда биз ўйлагандан кўра кўпроқ турли хил товушлар талаффуз қилинишини кўрамыз. Ҳар қандай тил сўзларни ва уларнинг шакллари фарқлай олади, яъни у нисбатан кам сонли товуш турларини ўзида бирлаштиради, одамларнинг мулоқот қилиш мақсадларига хизмат қилади. Айрим нутқ товушлари ҳақида гап кетганда айнан шу турдаги товушлар назарда тутилади. Биз уларни фонема деб атаيمиз. Ҳақиқий талаффуз қилинадиган турли хил товушлар, яъни умумий қилинган ўзига хос товушлар (фонемалар) фонемаларнинг оттенкалари дейилади» Л.В.Щчерба оттенкаларни ҳам тасниф қилади. Тилшунос олим А.Нурмонов эса фонеманинг оттенкалари ичида биттаси турли сабабларга кўра шу фонема учун типик бўлади. Алоҳида талаффуз қилинган оттенка ана шундай типик оттенка саналади ва фақат шу оттенка реал нутқий элемент сифатида тилга олинади, бошқа оттенкалар эса типик оттенкага турлича фарқ билан талаффуз қилинади. Уларни ўрганиш учун эса махсус “эшитиш кўникмаси керак бўлашини таъкидлайди.

“Фонеманинг урғуга, сўз характериға, нутқ мелодикасига хосланган вариантлар комбинатор: талаффуз услуби билан хосланган вариантлари услубий вариантлар саналади. Бир позициянинг ўзида сўз маъносини ўзгартирмаган ҳолда ўзаро алмашилиб келган вариантлар факультатив вариантлардир.

Тилшунос олимлар А.Абдуазизов ва Д. Набиевалар ўзбек адабий тилидаги унли фонемаларнинг синтагматик планда қандай вариантларга эга эканлиги ҳақида фикр юритишар экан, ҳар қандай фонемани тўртта вазифаси борлигини таъкидлаб ўтишади: 1) материал жихатдан сўз ва морфемаларни ҳосил қилиш; 2) фонологик (функционал) жихатдан сўз ва морфемаларни фарқлаш; 3) сўз ва морфемаларни чегаралаш (масалан, -нг — сўзнинг бошида келмаслиги каби); 4) эшитиб ҳис қила олиш ва таниб олиш.

А.Абдуазизов фонемани тўртинчи вазифаси перцептив(эшитиб ҳис қилиш) аспектда ўрганиш фонологияда анча пайт четлаб ўтилиб, бир фонема доирасида талаффуз этилувчи турли артикуляцион-акустик хусусиятлари билан фарқланувчи товушлар аллофонлар ёки вариантлар ҳисобланиб, улар функционал фарқлашга қодир эмасликлари сабабли чуқур қаралмаган бўлса-да, бу масала, айниқса, талаффузи жуда ўзгарувчан бўлган унлилар учун аҳамиятли эканлигини таъкидлайди.

Г. Мельников фикрича жаҳон тилларининг барчасида унлилар фонологик жиҳатдан тилнинг кўтарилишига кўра фарқланадилар. Бу фарқланиш белгиси максимал даражада бўлса, қатор белгиси – минимал ва лабнинг ҳолатига кўра белгиси улар ўртасидаги даражада тақсимланади ва бу эса урол-олтой, хусусан, туркий тиллар мисолида исботланган.

А.Абдуазизов “Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси” китобида унлиларнинг синтагматик ўзгарувчанлиги ҳақида тўхталар экан, ўзбек адабий тили унли фонемалари икки асосий турдаги аллофонларига яъни вариантларга ажратади: 1) ёндош ундошлар таъсиридаги комбинатор вариантлар; 2) урғу таъсирига учровчи позицион вариантлар. Комбинатор вариантлар кўпинча бирор ундош товушдан кейин келган унлидаги турли ўзгаришларни кўрсатади. Позицион ўзгаришлар урғули ва урғусиз ҳолатда вокализм системасидаги аллофонларни аниқлашга имкон беради. Бироқ, Г.П.Торсуев унлиларнинг ҳеч қандай ҳолатга боғлиқ бўлмаган баъзи ўзгаришлар борки, бу ўзгаришларга диафоник вариативлик сифатида қаралишини таъкидлайди. “Диафоник вариация деганда фонемаларнинг позициясидан мустақил, яъни ўзига хос сифат ва миқдор (чўзиқ-қискалиги)ўзгариши тушунилади. Диафоник ўзгарувчанлик сўзнинг фонетик таркибидаги фонемаларнинг ўрни билан боғлиқ ҳолда аллофоник ўзгарувчанликка нисбатан бошқа сабабларга кўра юзага келган тубдан фарқ қилувчи ҳодисадир. Диафоник ўзгарувчанлик сабаблари ҳар бир берилган талаффуз меъёрининг шаклланишининг тарихий шароитларида, маҳаллий ва ижтимоий диалект ва шевалар ўзаро муносабатларида ётади. Диафоник ўзгарувчанлик барча тилларда мавжуд. Ва бу соҳага оид саволларни ўрганиш шунинг учун нафақат назарий ва амалий фонетика ва бир тил тарихи учун, балки умумий фонетика учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга”.

А.Абдуазизов “Ўзбек тили унлиларининг фонологик анализи” мақоласида ўзбек тилида унлиларнинг фарқланиш белгилари фақат сўз ва морфемаларни ўзаро фарқланишга хизмат қилишига, бу фарқланиш фақат сифат жиҳатидан бўлиб, миқдор жиҳатдан кўзга ташланмаслигини таъкидлайди. Чунки ўзбек тили унлилари учун чўзиқ ва қисқа фарқланиш белгиси бўла олмаслигини айтиб ўтади.

Бундан келиб чиқиб, шунини айтишимиз мумкинки, унлиларнинг даражаланишини синтагматик муносабати таҳлили жараёнида, унлиларнинг нафақат комбинатор ва позицион, балки диафоник вариативлиги нуқтаи назаридан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. А.Абдуазизов ўзбек адабий тили унли фонемаларининг диафоник вариативлигига и нинг бир оз орқа

қаторда, юқори кўтарилишнинг кенг шаклида, лабларнинг бир оз чеккага тортилиши билан талаффуз қилиниши натижасида баъзан ь (э) га яқинлигини, е нинг очик э га ўхшаш талаффузи, у нинг бир оз олдинга йўналган талаффузи ҳамда а нинг бир оз орқага йўналган талаффузи, о нинг талаффузида лабларнинг анча кучсиз ҳаракати, у нинг талаффузида тилнинг кўтарилиши унча юқори бўлмай, лабнинг ҳаракати кучли бўлиши каби фонетик ходисаларни диафоник вариативлик натижаси эканлигини кўрсатиб ўтади.

Нутқ жараёнида товушлар ёндош товушлар ва урғу таъсирида ўз талаффузини ўзгартиради. Бир фонеманинг турли аллофонларини ҳар хил ҳолатлар(позиция)да учратиш мумкин. Тилшуос олим А.Абдуазизов ҳам кўпинча, тилдаги унли товушларнинг талаффузи ундошларнинг таъсирида кўпгина ўзгаришларга учрашишини таъкидлаб ўтади.

Шундай қилиб, унлиларнинг нутқ жараёнида ва сўзларнинг фонетик жиҳатдан ўзгаришлари асосан ёндош товушлар таъсирида бўлади. Шу жумладан кўпгина тиллар каби ўзбек ҳамда француз тилларида ҳам унлилар лаб, тил олди, тил орқа увуляр ундошлар таъсирида ўзгаради. Бунда унлилар ёндош ундошлар таъсирида талаффузда товушга хос бўлган белгисини йўқотиш ёки ўзгартириши мумкин.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуазимов. А.Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси. Тошкент.55 бет
2. Абдуазимов. А.Ўзбек тили унлиларининг фонологик анализи. Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. № 2 сон
3. Фердинанд де Соссюр. Курс общей лингвистики. Екатеринбург.1999,стр123
4. Малышева А.С. Парадигматические и синтагматические отношения в языке, Россия.
5. Кубрякова Е.С., Синтагматика// Лингвистический энциклопедический словарь, 1990 г.
6. Кубрякова ЕС, Мельников Г.П. О понятиях языковой системы и структуры язык а // Общее языкознание. Внутренняя структура языка.- М.: Наука, 1972.- С. 8-91
7. Расулов. Р.Умумий тилшунослик. Тошкент 2010.238 бет

8. Набиева. Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. Тошкент.2005.32-33 бетлар
9. Щчерба. Л.В Фонетика французского языка. Москва.1957. стр. 18.
10. .Нурмонов. Ўзбне тили фонологияси ва морфонологияси. Тошкент.1990. 8-9 бетлар
11. Мельников Г. П. Некоторые обведи черты вокализма урало-алтайских языков. Исследования по филологии. М., «Наука» 1966, с. 345.
12. Торсуев Г. П. Константность и вариативность в фонетической системе, М.,1977, с.5